



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

# TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



**THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

An international scientific and practical online conference on the topic  
**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON  
TEACHING FOREIGN LANGUAGES  
(TSUL ICON - FLT)**

**Foreign languages department**

**Tashkent – 2021**

## ПЕРЛ БАК ИЖОДИДА ШАРҚ МАВЗУСИ

*Акобирова С.Т.,*

*ТДЮУ доценти, ф.ф.н.*

**DOI 10.5281/zenodo.4963132**

**Аннотация:** Мазкур мақола Ғарб ва Шарқ адабий алоқаларига бағишланган бўлиб, унда XX асрнинг биринчи ярмида Америка ва Хитойда яшаб ижод этган буюк ёзувчи Нобель мукофоти лауреати Перл Бак ижоди ўрганилган. Ёзувчининг Шарқ мавзусига бағишланган 1931 йили нашр этилган “Сахий ер” (“The Good Earth”) романи XX асрнинг энг оммавий романи эканлиги ва романнинг яратилиши натижасида Америка ва Осиё адабий алоқаларига ҳисса қўшилганлиги кенг ёритилган.

**Калит сўзлар:** *Ғарб ва Шарқ. адабий алоқалар, Хитой тарихи, бадиий услуб, хитойлик деҳқонлар, сахий замин, Ван Лун оиласи, инсон характери, конфуцийлик ғояси, умуминсоний қадриятлар.*

Америка адабиётининг таниқли намояндаси Перл Бак (1892-1973) ўзининг бутун ҳаётини Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзаро муносабатларда “кўприк” ўрнатишга, Осиё ва Европа халқларининг бир-бирларини тўғри тушунишлари йўлига бағишлади. “Кўприк” тушунчаси унинг ҳаётий фалсафасида асосий мазмун бўлди. П.Бакнинг сўнгги романларидан бирида ўзига жуда яқин бўлган қадимги Хитой донишмандлигидан “Биз бир осмон остида яшаймиз”- деган ҳикматли фикрни келтиради<sup>1</sup>. Бу ғоя адиба ҳаётининг мазмуни, тақдирига айланди. У Шарқ ва Ғарбга оламига бирдай мансуб шахс бўлиб қолди.

Перл Бакнинг адабий мероси жуда кенг миқёсли, бой ва бебаҳо ҳамда деярлик ўрганилмаган. Аммо шуниси аниқки, унинг адабиётга қўшган ҳиссаси энг аввало Хитой мавзуси билан боғлиқ. У ўзининг узок ҳаёти ва сермахсул ижодий фаолиятининг сўнгги даврларида бунга иқдор бўлиб шундай ёзди: “Дунёнинг қайси бир қисми кўпроқ қадрли эканини айтиш мен учун мушкул

---

<sup>1</sup> Buck, Pearl S. The Good Earth. Introduction. Pearl Buck and the Good Earth by Peter Conn. - N.Y., 1994, p.37.

... Мен Осиёга худди ўз ватанимга каби содиқман”. У Хитойни ўзининг “иккинчи ватани” деб ҳисоблар эди.

Перл Бак 1892 йилнинг 26 июнида Ғарбий Виржиния штатининг Хилсборо шаҳрида туғилди. Бўлажак ёзувчи уч ойлигида Хитойга олиб кетилиб, ҳаётининг бир қисми, яъни қирқ йил ўша ерда яшади. Унинг ота-онаси Абсоллом ва Кэролайн Сайденстрикерлар ўзига тўқ, зиёли оила бўлиб, болаларининг тарбиясига катта эътибор беришган .

П.Бакнинг болалиги ўзгача тарзда ўтди. У тўрт ёшидан инглиз тилида қандай бўлса, хитой тилида ҳам худди шундай сўзлашар ва ёза олар эди.

Болалигида П.Бакнинг энагаси хитойлик бўлиб, у халқ эртаклари ва ривоятларнинг билагони эди. Кейинчалик Перл Бак ана шулар унинг ижод чашмаси бўлганини хотирлайди. Лекин П.Бакни сеҳрли эртаклардан кўра, қаҳрамонлари тирик одамлар иштирок этган тарихлар кўпроқ мафтун этар эди. Бу воқеаларни Перлнинг отаси ўзининг сафарларидан қайтиб келган пайтларида оила аъзоларига айтиб берган ҳикоялари орқали билиб олар эди. П.Бакда ёзувчи бўлишига сабаб бўлган, кўрган билганларини ифода этиш иштиёқи ёшлик чоғиданоқ пайдо бўлган. Шунини айтиш керакки, П.Бак Хитой оғзаки ҳикоя қилиш услуби, йўллари ва оҳангини аниқ эгаллаб олди, бу кейинчалик унинг ижодий услубининг моҳиятини белгилаб берди.

Хитойдаги ҳаётига сўзсиз унинг олган билими ўз таъсирини кўрсатди. У китобни жуда қаттиқ севар эди, лекин ёшлик чоғида ҳар доим ҳам замонавий муаллифлар асари билан таниша олмади. Унинг ўқиш доираси асосан инглиз тилидаги мумтоз асарлар билан чекланди: у севиб ўқийдиган муаллифлардан бири Ч.Диккенс бўлиб, уни ҳар йили ўқиб чиқишга ҳаракат қилар эди. Ўзининг устози жаноб Куннинг муруввати билан у хитой оғзаки ижоди, ҳамда конфуцийликнинг <sup>2</sup> ноёб намуналари билан танишди. Шундай қилиб, у Хитойга оид билимларни жуда яхши, мукамал ўзлаштирди.

---

<sup>2</sup> Конфуций (Кун-цзы) (тахминан эрамыздан олдинги 551– 479 йиллар), Хитой мутафаккири, конфуцизм асосчиси. Конфуцийнинг асосий қарашлари “Лунь юй” (“Сухбат ва муҳокамалар”) китобида ифодаланган.

Ёзувчининг бутун жаҳонда севиб ўқиладиган ажойиб романлари, инсон тақдирини ҳикоя қилиш усулининг мумтоз намунасидир. Унинг мухлислари бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, ўз ватани Америкадан ташқарида янада кўпроқ эди. Адибнинг китоблари дунёнинг кенг тарқалган ўн тилида чоп этилди ва шу сабабли ҳам унинг асарлари энг кўп севиб ўқиладиган Америка ёзувчиларидан бири бўлган Марк Твен асарлари билан бир қатордан жой олди.

30-йиллар П.Бак ижодининг энг сермахсул босқичи бўлди. У бу даврда Хитойга бағишланган машҳур роман ва публицистик асарларини ёзди.

1931 йили “Сахий ер” (“The Good Earth”) романи нашр этилган кундан бошлаб, XX асрнинг энг оммавий романи бўлиб келган. Унинг нашр нусхалари, тарқалиши ва совринлари жаҳон адабиётшунослигининг тарихий бойлиги, мероси бўлиб қолди. Романнинг бир неча миллион нусхалари Америка ва дунёнинг олтмишдан ортиқ мамлакатлари бўйлаб тарқатилди.

“Сахий ер” романини П.Бак ўзининг Хитойдаги шахсий тажрибаси натижасида яратган. Сиёсий майдонда “Сахий ер” романининг таъсири унинг машҳурлигидан ҳам муҳимроқдир. П.Бак романлари ўтган асрнинг кейинги 30-йиллардан то 60-йилларгача Хитой билан муносабатлар ўрнатишда Америкалик бошқа ёзувчиларнинг ҳар қандай бошқа китобларига қараганда муҳим роль ўйнайди. “Сахий ер” романида Америка ва Хитой китобхонлари биринчи марта инсонларнинг ҳаётий муносабатларини, ҳақиқий оддий одамлардай ўйлайдиган хитой характерларини кўрдилар. Худди ана шу нарса П.Бак романининг асосий ютуғи ва унинг доимий машҳурлигининг сабабидир.

1931 йил “Сахий ер” китоби нашр этилгунча, Америкаликлар Хитой ҳақида ҳеч нарса билмас эдилар. Фақатгина бир гуруҳ савдогар, дипломат ва миссионерлар Хитой ва хитойликлар ҳақида билишар, лекин уларга барча Осиё мамлакатларининг халқлари каби муносабатда бўлиб, ҳар жихатдан

---

Эрамиздан аввалги II асрдан то 1911-1913 йилларгача Синьхай революциясигача конфуцизм расмий давлат мафкура (идеология)си бўлган.

ўзларидан паст ҳисоблар эдилар. Хитой ҳақида аниқ билимлари йўқлигини айрим америкаликлар нуқсонларга ботган жамият ҳақидаги одобсиз фикрлар айтиш билан алмаштирдилар.

“Сахий ер” романи XX аср бошида Хитой қишлоқларидаги ҳаёт ҳақида қимматли билим ва маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Нанкин университети чет тиллар факультети декани, профессор Луи Хайпинг П.Бакнинг бу романи ва бошқа кўпгина Хитой ҳақидаги асарларини: “Хитой тарихининг эгаси йўқ хазинасидир”<sup>3</sup> - деб ҳисоблаган.

Америкага қилган сафари даврида Э.Хемингуэй, У.Фолкнер, С.Льюис ва айниқса, ўзи жуда севган Т.Драйзер каби замонавий америка муаллифларини кизиқиб пухта ўрганишга интилади. “Ҳеч бир америкалик ёзувчи, - деб ёзади у, - қилган ишларининг аҳамияти бўйича Т.Драйзер билан бир қаторда тура олмайди”<sup>4</sup>. Бу фикр 1938 йили айтилган эди. Бир жиҳатдан П.Бак ижодини “Драйзер мактаби” га мансуб дейиш мумкин. Т.Драйзер учун ижодининг асосий мавзуси моддий бойликка, бахтлилик сифатида қарашни қоралаш эди. Кичик инсон характерини очиб бериш – Т.Драйзер учун ҳам умумий бўлган. Сўзсиз ҳақиқатга интилиш ўз шахсий услубининг яратилишига олиб келди. Т.Драйзер услубининг оғирлиги, сўзларининг мураккаблиги ҳақидаги танқидларни рад этиб, тасвир кучи ва маҳоратига путур етказмай, унинг ёрдамида ўз услубига эришди. Ана шу “оддий”, “халқдан чиққан” ва “эскирган услублар” унга дунёни аниқ кўришда ёрдам берди. Т.Драйзер услубини ўрганиш П.Бак учун ўз услубини яратиш имконини берди ва у жаҳон танқидчилари томонидан жуда юқори баҳоланди.

П.Бакнинг энг машҳур асарига айланган бу янги асари ҳақида ёзувчининг таржимаи ҳолини ўрганувчилардан бири шундай деб ёзади: “Инсон ва воқеа-ҳодисалар хотирасининг бир ерида чуқур беркиниб ётган туйғулари уйғониб, энди қандай ривожланиш, нима қилиш керак эканини

<sup>3</sup> Haiping L. Interview with the present writer (Nanjing, May 25, 1993)

<sup>4</sup> Nora Stirling. Pearl S.Buck. A Woman in Conflict. – N.Y. Copyright 1983 by Nora Stirling. p.171.

билар эдилар. Булар Хитой деҳқонлари бўлиб, улар на ўқишни, ва на ёзишни билишар, шунинг учун ҳеч қандай ҳуқуқлари йўқ эди. Давлат ҳукмдорлари уларни фақатгина меҳнатлари ва солиқ тўлашлари учунгина эсга олар эдилар ... Лекин, П.Бак уларни “нодон эмасликлари, ёзиш, ўқишни билиш, ўқимишли олимларнинг мураккаб, илмий сўзларини ёзиш ва такрорлаш ҳеч ҳам донолик ва нозик ҳисга эга бўлиш деганини билдирмайди. Деҳқон ўқишни билмаслиги мумкин, лекин катта сўз бойлигига эга бўлиб, мураккаб тушунчалар ва муносабатлар дунёсида яшайди, амалий ҳаётда ақлли ва кундалик ҳаёт учун курашда фаросатли бўлган, ўз кадр-қимматини билувчи инсонлардир”<sup>5</sup>.

“Сахий ер” романида ёлғиз ва ожиз инсон яшаб тургандан кўра яхшироқ ҳаётга эришиш учун курашади.

Қуёш нуридан қизиган ер, пахсадан қурилган уй ва эртадан кечгача холдан тойдирувчи меҳнат – булар ҳақида кўплаб китоблар ёзилган. Лекин бу асар бошқача хусусиятга эга. “Сахий ер” романининг ўзига хослиги фақатгина унинг бошқа этнографик материаллар асосида яратилганида эмас, балки П.Бакнинг материаллар устида ишлаш бўйича ўзига хос йўли борлигида.

П.Бак романида бошқа асарларда учрайдиган ҳаётни ҳаққоний кўрсатмайдиган персонажлар ва вазиятлар йўқ.

“Сахий ер” романидаги воқеа ва ҳодисалар Перл ва унинг турмуш ўртоғи Лоссинг Бак биргаликдаги турмушларининг биринчи йилларини ўтказган Аньхой вилоятининг Нансхгоу қишлоғида содир бўлади. Роман ўз мазмуни билан оддий, лекин воқеаларга бой. Унда деҳқон Ван Луннинг ҳаёти ҳикоя қилинади. Унинг уйланишидан то кексалик давригача бўлган ҳаёти тасвирланади. Роман бошланишида Ван Лун – зўрға кун кечираётган қашшоқ бир инсон бўлиб, охирида у бойиб кетади.

Ван Лун ташқи дунёдан узилган ва саводсиз жамоада ўсади, у ерда патриархал тақводорлик маънавий бойлик ҳисобланар ва ҳаёт тинимсиз оғир

---

<sup>5</sup> Beverly Rizzon, Pearl S.Buck. The Final Chapter Copyright 1989. Palm Springs. California. p.283.

меҳнат қилиш билан боғлиқ бўлган. У ҳаётда ростгўй, ақлли ва кундалик турмушда фаросатли.

Ван Лун учун ер – яшашнинг мазмун ва мақсади эди. У ерсиз яшай олмайди. Доимо фикри ўйида, ер - сахий замин, мўл-кўлчилик манбаи, фаровон ҳаёти, қолаверса унинг келажаги. Унинг ери жуда камҳосил эди, лекин Ван Лун учун ер дунёдаги ягона яшаш манбаи бўлиб, у бошқа нарсани тасаввур қила олмас эди. У бир неча бор очлик, қирғин, қурғоқчилик, сув тошқини, чигирткалар ҳужумидан зарар кўрса ҳам, ер у билан бирга ўзи ва ўзига ўхшаганлар барҳам бера олишини билар эди. Ван Лун конфуцийлик ғояси руҳида тарбияланганлиги учун қурғоқчилик бўлганда ёки йил серёғин келиб ҳамма ёқни сув босганда, табиат инжиқликлари кўпайган чоғларда осмон худосидан мадад сўраб, ибодатхонага келиб оромбахш шамлар ёқди.

Ернинг серҳосил бўлиши табиат инъоми эканлигини тушунган Ван Лун ҳар куни эрталаб уйқудан уйғонганида энг аввал об-ҳавони билиш учун деразани очиб ташқарини кузатар эди.

П.Бак энг оддий сўзлар билан Хитой деҳқонининг ўй - кечинмаларини асар бошида қуйидагича ифодалайди: He went to the hole and tore the paper away. It is spring... The hole was barely large enough to admit his hand and he trust it out to feel of the air. A small soft wind blew gently from the east, a wind mild, murmurous, and full of rain. It was a good omen. The fields needed rain for fruition.

There would be no rain this day, but within a few days, if this wind continued, there would be water. It was good. Yesterday he had said to his father that if this brazen, glittering sunshine continued, the wheat could not fill the ear. Now it was as if Heaven had chosen this day to wish him well. Earth would bear fruit.

«У деразага яқинлашди-да, унга ёпиштирилган қоғоздан йиртиб, тешикча очди. Баҳор келди... Кичкина очилган тешикчадан, ташқаридаги об-ҳавони билиш учун зўрға қўлини тикди. Ташқарида билинар-билинемас товуш чиқариб, осойишта намли шамол эсарди. Бу яхшилик аломати эди. Ҳосил яхши бўлиши учун ёмғир керак. Гарчи, кунлар иссиқ, ҳаво қуруқ бўлаётган



бўлса ҳам, агар шамол тинмаса бир неча кундан кейин ёмғир бўлишини у сезди. Бу яхши. Кеча у отасига, агар бу қуруқ иссиқ ҳаво яна бир неча кун давом этса, буғдойлар дон битмаслигини айтган эди. Гўё она – табиат унинг додини эшитиб, атайин бугун қувонтираётгандай. Ер бу йил албатта яхши ҳосил беради». (Бу ва бундан кейин келтириладиган инглизча матнлар таржимаси бизники - С.А.)

Романнинг биринчи қисмидаёқ Ван Лун муваффақият қозонади, унинг тўнғич фарзандлари ўғил бўлиб, Хитой жамиятида бахтлилик белгиси эди. Ҳар куни эрталабдан кечгача о - Лан (қайлиғи)нинг Ван Лун билан ёнма-ён меҳнат қилиши ва тежамкорлиги эвазига анчагина ерга эга бўлдилар. Уларнинг Хванлар оиласидан янги ерлар сотиб олиб, оиласи мавқеининг кўтарилиб бориши ҳикоя қилинади. Кўриб турибмизки, бир оила авлодлари тарихи, улуғ халқ тақдири, Хитой халқи мумтоз романи ёқтирадиган мавзу бўлиб, бу америкалик ёзувчи ижодининг асосий манбаидир.

Ёзувчи П.Бак Хитой халқининг ерга бўлган муносабатини, роман якунида бош қаҳрамон Ван Луннинг, ерни сотмоқчи бўлган фарзандларига мурожаати эпизоди орқали ёрқин ифодалайди: “It is the end of a family – when they begin to sell the land, he said brokely. Out of the land we came and into it we must go – and if you will hold your land you can live – no one can rob you of land”. «Ерни сотсангиз, оила барбод бўлади. Ибтидомиз ер, интихомиз ҳам ер бўлмоғи даркор. Фақат ерга эгалик қилиб яшаш мумкин. Ерингизни ҳеч ким ўғирлаб кетолмайди» - деган чақирик сўзлари билан ифодалаб, Ван Луннинг ҳолатини шундай тасвирлайди: «And his two sons held him, one on either side, each holding his arm, and he held tight in his hand the warm loose earth». «Уни ўғиллари қўлтиғидан суяб турган пайтда у қўлида илиқ, юмшоқ тупроқни маҳкам сиқиб ушлаб турарди».

“Сахий ер” романининг ойнанинг (асар март ойида чоп этилган эди) энг яхши романи деб топилиши муаллиф учун қутилмаган ҳодиса эди. П.Бакни бу

муваффақиятни қабул қилиш ва машҳурлик ҳаяжонлантирди ва унинг ўзига бўлган ишончини янада кучайтирди.

П.Бак ҳаётини ўзгартириб юборган асари унга ҳам янгилик, шу билан бирга таниш бўлиб кўринар эди. У мавзуси бўйича ўзига хос янгилик бўлиб, лекин ижро техникаси бўйича анъанавийлиги аниқ кўриниб турар эди. Унда Т.Драйзер, Ч.Диккенс каби тажрибали қаламкаш ёзувчиларнинг таълими сезилар эди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳеч бир америкалик ва Ғарб ёзувчиси Хитойни П.Бак каби билмас эди ва албатта шунинг учун ҳам унинг романлари жаҳон адабиётида катта воқеа бўлди.

“Сахий ер” романи – сўзсиз ижодининг чўққиси бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда фикр юритиш босқичининг якуни бўлди. Чунки ёзувчининг бу асарида ер ҳаётбахш, ҳар нарсадан кўра қудратлироқ ва янгиловчи куч сифатида ифодаланди. П.Бак бу фикрга шу романини устида ишлашдан олдин келган десак тўғрироқ бўлади. Чунки, бу китобдаги ҳар бир воқелик, балки муаллиф ихтиёридан ташқари ернинг қудрати ҳақида гувоҳлик қилади ва ер фақатгина қачон унинг кучини инсон ўзига бўйсундира олгандагина ҳаётбахш бўлади. Асарнинг биринчи сатрларидан бошлаб китобхон бўлаётган ҳодисалар ҳақиқат эканига ишонади.

“Сахий ер” романининг ўзига хос хусусияти фақатгина унинг бошқа этнографик материаллардан яратилгани эмас, балки П.Бакнинг ўз материаллари устида ишлаш услубидадир.

Ғояни амалга ошириш услуби ҳақида гапириб ўтиш алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг мазмуни жисмлар ва ҳодисаларни аниқ акс эттиришга интилишдан иборатдир. Роман жуда тўғри тузилган – унинг сюжетлари тўла-тўқис фабулалар билан мос келади. Характерларни ривожлантириш аста-секин ва кетма-кетлик билан амалга оширилади. Текис ва вазминлик билан ҳикоя қилиш усули кутилмаган ҳодисалар ва фалокатлар тафсилоти билан алмашилиши муаллиф учун одатий ҳолдир.

Ҳикояларга изоҳ берилмайди. Муаллиф эслатмалари китобхон назаридан четда қолади. Романда хитоблар, кўп маъноли сукут, хаяжонлар йўқ.

Аниқлик муаллифнинг асосий баён қилиш мезони ҳисобланади. Ана шу аниқлик шундай моҳирона амалга оширилганки, китобда унга эришиш учун ортиқча уринишлардан асар ҳам йўқ.

Асар равон ва бир текис ўқилади, бирор ортиқча сўз ишлатилмайди, ҳеч нарса тушириб қолдирилмай, узун, жуда батафсил тўлиқ ҳаракатлар билан, шунчалик жиддийлик ила ёзилганки, ҳатто воқеалар кескинлиги сезилмай қолади. Жисмлар шундай тасвирига берилганки, ўқувчи худди уларни кўриб тургандек бўлади. Одамлар шундай тасвирланганки, уларнинг ҳар бир қадами бир-бирига боғлиқ бўлиб, китобхонга таъсирчан ҳиссиётни уйғотади, гўё кўз олдимизда аниқ ва яққол ҳаракатланаётгандек, уларга қўл билан тегиш мумкиндек туюлади. Бу маҳорат бошқа ёзувчилардан П.Бакни алоҳида ўринга қўяди.

Сюжетли бошқотирмалар, кутилмаган ўхшаш сўзлар, хаяжон билан уйғунлашган таъсирчан таърифлар, ажойиб, лекин тушуниб бўлмағу характерлар, аниқ, бироқ кўринмайдиган манзаралар - булар ҳаммаси “Сахий ер” романидаги одамлар ва жисмларнинг ёрқин тафсилоти сифатида намоён бўлади.

Шуни айтиш керакки, роман ҳақида Хитойнинг ўзидаёқ бир хил фикр билдирилмади, бироқ П.Бак тарафдорлари Хитойда кўпчиликни ташкил этарди. Романдаги воқеа ва ҳодисаларни мушоҳада қилиб, америкалик ёзувчи П.Бакнинг “Сахий ер” асари машҳур Хитой файласуфи Ли Ютан айтганидек, “беками кўст, ишончли асар” эканлигини хис этиб, ёзувчи Шарқ кишиларининг ҳаёти, анъаналари, урф-одатлари ва қадриятларини мукамал билганлиги ҳамда ўз романида Ван Луннинг нақадар катта маҳорат, кучли эҳтирос билан ёритилганлигига ишонч ҳосил қиласан киши. Ли Ютаннинг жияни ёзувчига мурожаат қилиб, унинг

романини таржима қилишга ижозат сўрайди. У ёзувчига шундай деб ёзади: “Мен сизнинг ажойиб муваффақиятингиздан ажабланарли қувондим. Мен Хитой адабиётчиси бўлиб оддий дехқон ҳаётини ўрганганман, бироқ сизнинг асарингиз бизнинг дехқонларимиз турмуш тарзини ўрганган номдор чет эллик профессорлар асарларига қараганда кўпроқ ҳақиқатдан иборат”<sup>6</sup>. Дарҳақиқат, П.Бак худди дехқоннинг ўзи каби содда услубга ёзишга ҳаракат қилди. Агар романда Хитой аҳолисининг бешдан тўрт қисмини ташкил этувчи дехқонлар ҳаёти маромига етказиб ёритилмаганида, китобхонлар учун ҳам, танқидчилар учун ҳам хитойлик дехқон ҳаёти “номаълум ер” бўлиб қолар эди. Фақатгина соддалик ва табиийлик ҳаёт талаби билан ерда меҳнат қилаётган инсонлар манфаати ва ибратли анъаналарини тушунтириб бера олди.

Хитойни юз йилликлар билан ўлчангувчи, манзараларининг турли-туманлиги дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган, «абადийлик» ни хис этмай бўлмайдиган мамлакат деб таърифлайдилар. Ана шу ифода моҳиятини «Сахий ер» романи мазмуни аниқ очиб беради.

“Сахий ер” романи узоқ вақт бестселлерлар рўйхатидан жой олиб турди. Бир неча йил ичида 1 млн. 800 минг нусхаси сотилди, 30 дан ортиқ тилларга таржима қилинди. Диққатга сазовор жойи шундаки, Хитойнинг ўзидагина етти, турли тилда таржима қилинди.

Роман саҳналаштирилди ва Бродвейда қўйилди. Шунингдек, Голливудда роман экранлаштирилди, фильм суратга олинди.

П.Бак ижодга бутун умрини бағишлади. У 1973 йил 8 мартда Данбияда вафот этди.

Сўнги йиллардаги асарлари тортишувларга сабаб бўлишига қарамасдан, муаллиф сермахсул ижод қилди – у юздан ортиқ асар яратди, сон-саноксиз мақола, сценарий ва ҳикоялар ёзди, булар П.Бакнинг мустаҳкам адабий ва

---

<sup>6</sup> Images of Chinese women Pearl S.Buck’s novels: A study of characterization in “East Wind, West Wind”, “Pavilion of woman”, “Peony”, “The Good Earth” and “The Mother” for the degree doctor of Philosophy by Xiongya Gao. Ball State University Muncie, Indiana, 1993, p.196, ch.Y, “The Good Earth”, pp.186-218.

ижтимоий ютуқларини исбот қилади. Бу ютуқлар уни жаҳон миқёсида улуг инсон даражасига кўтарди. П.Бак ҳаётлигида йирик адабиёт арбоби сифатида танилди. Танқидчилардан бири ҳатто уни “Америка адабиёти қироличаси” деб атади. “У яратган асарларининг ҳаммаси, - деб ёзади Перл Бак ҳақидаги биринчи китобида унинг кичик синглиси Корнелия Спенсер, - инсонлар ўртасида алоқалар ўрнатишга, ҳамма учун ҳақиқат ўрнатилишига хизмат қилади ... У шундай ёзар эдики, ҳар ким ҳам унинг китобхони бўла олар, чунки у халқ учун ёзишга интилган эди”.

Жаҳон адабиёти ривожига П.Бак ижодининг муҳим аҳамияти шундан иборатки, униг бутун ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти Шарқ ва Ғарб умуминсоний қадриятларини ва инсонпарварлик ғояларини тушунган ҳолда бирлашишлари, бу ғоялар ер юзидаги ҳамма инсонлар учун ягона эканлигини тушунтиришга қаратилган.

Худди ана шу инсонпарварлик мазмунида бўлган асарлари ҳақли равишда унинг Нобель мукофоти эгаси бўлишига сабаб бўлди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Buck, Pearl S. The Good Earth. Introduction. Pearl Buck and the Good Earth by Peter Conn. - N.Y., 1994, p.37.
2. Конфуций (Кун-цзы) (тахминан эрамиздан олдинги 551– 479 йиллар), Хитой мутафаккири, конфуцизм асосчиси. Конфуцийнинг асосий қарашлари “Лунь юй” (“Суҳбат ва муҳокамалар”) китобида ифодаланган. Эрамиздан аввалги II асрдан то 1911-1913 йилларгача Синьхай революциясигача конфуцизм расмий давлат мафкура (идеология)си бўлган.
3. Haiping L. Interview with the present writer (Nanjing, May 25, 1993)
4. Nora Stirling. Pearl S.Buck. A Woman in Conflict. – N.Y. Copyright 1983 by Nora Stirling. p.171.
5. Beverly Rizzon. Pearl S.Buck. The Final Chapter Copyright 1989. Palm Springs. California. p.283.



6. Images of Chinese women Pearl S.Buck's novels: A study of characterization in "East Wind, West Wind", "Pavilion of woman", "Peony", "The Good Earth" and "The Mother" for the degree doctor of Philosophy by Xiongya Gao. Ball State University Muncie, Indiana, 1993, p.196, ch.Y, "The Good Earth", pp.186-218.
7. Spencer, Cornelia. The Exile's Daughter. A Biography of Pearl S.Buck. - N.Y.: Coward McCann, 1944, p.192.